Шанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.30 "В мире животных"
11.00 "Диалоги о рыбалке"
11.30 Х/ф "Проект "Золотой глаз"

13.45, 19.10, 23.05 Большой спорт
14.05 "Победа за нами!"
15.45, 17.30, 23.25, 01.05 Т/с "Заговоренный"
19.30 Смешанные единоборства.
21.55 ФОРМУЛА-1.
02.50 "Опыты дилетанта"
03.20 "Полигон". Тяжелый десант
03.50 "Следственный эксперимент". Немцы свидетели
04.20 "Человек мира". Бутылка с Малеиры
05.15 "Максимальное приближение". Макао
06.05 Профессиональный бокс

Якшанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.30 "Моя рыбалка"
11.00 "Язь против еды"
11.30 Х/ф "Курьерский особый важности"
13.45, 19.30, 01.15 Большой спорт
14.05 "Победа за нами!"
16.10, 17.50 Т/с "Заговоренный"
19.55 Футбол. Россия - Белоруссия. Прямая трансляция
21.55 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"
22.45 ФОРМУЛА-1. Гран-при Канады.
Прямая трансляция
01.35 Смешанные единоборства. М-1 Challenge. Трансляция из Ингушетии
04.00, 04.25 "Непростые вещи"
04.55 "За кадром". Таиланд
05.55 Х/ф "Лорд. Пес-полицейский"

Ислом
КАРИМОВ:

Демократия бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир.
Энг муҳими, сўз эркинлиги ҳуқуқини берадиган кучли қонунларимизга эга бўлишдир.

Миллий интернет журналистикаси

Уни ривожлантириш борасида амагга оширилаётган ислохотлар

Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг учинчи йўналиши ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашни кўзда тутди. Унда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилган. Шу билан бирга, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Келтириб ўтилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар соҳа ривожига муҳим омил бўлиб, кейинги йилларда замон талабига мос равишда мамлакатимизда миллий интернет журналистикасининг ҳам кенг тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Бу борада бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга ижтисодий таътиқ этилмоқда. Шунингдек, 2014 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унда "блогер" тушунчаси киритилди, уларнинг фаолиятига қўйилган талаблар ва улар томонидан тарқатилган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланди. Бу каби ўзгаришлар ўз ўрнида журналистикада янги — "фуқаролик журналистикаси"нинг шаклланишига ҳам замин яратди.

Юртимиздаги ОАВнинг ахборот ва коммуникация технологиялари билан



таъминланиб бориши натижасида сўнгги йилларда рақамли телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби алоқа воситалари ривожланди ва бу тезкор ахборот воситаси бўлган интернет-журналистиканинг жадал суръатларда ривожланиб боришига хизмат қилмоқда. Бу эса ўз ўрнида миллий журналистиканинг жаҳон медиа майдонидаги аҳамиятини оширмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тармоқ нашрлари ва умуман интернет соҳасини ривожлантиришга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар нафақат давлат, балки ахборот тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ўзлари томонидан ҳам олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, оммавий ахборот воситалари ижтимоий тармоқларда иш олиб бориш учун махсус мухбир ёки муҳаррирларни жалб қилиш амалиёти кенг қўллашмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Facebook, Twitter, RSS аудиториалари учун ҳам хабарлар бериб келмоқда. Шунингдек, мазкур агентлик уяли телефонлар учун мўлжалланган мобил иловадан ҳам унумли фойдаланаяпти. Яна бир муҳим жиҳати, айна пайтда ЎзА томонидан дунё мамлакатларига 7 тилда (рус, инглиз, француз, немис, испан, араб, хитой) янгиликлар узатилмоқда.

Нима учун Интернет журналистикаси қисқа фурсат ичида бу қадар жадал суръатларда ривожланиб бормоқда?

Маълумки, интернет ОАВ учун тайёрланаётган маълумотларнинг бошқа

Ўзбекистонда "UZ" домени 1995 йил 29 апрелда рўйхатга олинган.

Веб-сайтлар сони:

- 2010 йил — 10 мингдан ортиқ
- 2015 йил — 20 мингдан ортиқ

оммавий ахборот воситаларидаги ахборотлардан фарқи ундаги ҳажмининг қисқалигидадир. Чунки интернет фойдаланувчиларининг асосий қисми ёшлар эканлигини ҳисобга олсак, бугун улардаги қизиқишни ушлаб туриш мақсадида хабарларнинг катта ҳажмда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, берилаётган янгиликларнинг янгиланиш тезлиги ва биргина восита орқали ҳам ёзма, ҳам тасвир, ҳам эшитув орқали маълумотлардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги — интернет журналистикаси соҳасининг энг муҳим ютуқларидан дейиш мумкин.

Онлайн ҳудуд (интернет) ҳамда замонавий технологиялар ва интернет ривожланиши ва тарқалиши билан пайдо бўладиган афзалликлар бутун дунёда оммалашиб бораёпти. IT-инновациялар пайдо бўлиши билан жамият ҳаётига кириб келган ижобий ўзгаришлар давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятига, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар, фан ва таълим, маданият ва фуқароларнинг турмушига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўз ўрнида Ўзбекистон бу жараёнлардан четда қолаётгани йўқ, у глобал ахборот жамиятининг шаклланишида фаол қатнашаёпти.

Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

YOSHLAR FESTIVALI

Биз буюк юрт фарзандларимиз!

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида юртимиз бўйлаб "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

Фестивал шу кунга қадар Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Фестивалда "Қамолот" ЕИХ ва тарғибот гуруҳи аъзолари, шунингдек, қатор таниқли санъаткорлар, иқтидорли ёшлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этишапти. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тарғибот гуруҳи аъзолари фестиваллар давомида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳаси остида ёши улуг ҳамюртларимиз истиқомат қилаётган хонадонларда бўлиб, уларга совға-саломлар улашишди.

Фестивал дастуридан бир қатор спорт тадбирлари ҳам ўрин олган. Жумладан, "Қамолот"чилар ҳамда санъаткорлар жамоаси ўртасида футбол учрашуви ўтказилди.

Талаба ёшлар ҳамда тарғибот гуруҳи аъзолари югуриш марафонига қатнашишди.

Концерт дастурларида санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан ёшларни хушнуд этишди.

— "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилаётган ёшлар фестивали вилоятларимизда кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Хусусан, Наманган, Сурхондарё вилоятларида ўтказилган фестивалда ўзим ҳам иштирок этдим. Талабалар, академик лицей, коллеж ва мактаб ўқувчилари тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокидаги учрашувларда фаол қатнашишди. Уларнинг кўзларидаги қувонч, юракларидаги Ватанга бўлган меҳрни кўриб мамлакатимиз келажаги ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдим, — дейди биз билан суҳбатда тарғибот гуруҳи аъзоси Хусанбой Убайдуллаев.

Ажойиб концерт дастури фестивалнинг яқиний қисмига айланди. Унда иштирок этган минглаб талаба ёшлар катта кувонч, хурсандчилик онларидан баҳраманд бўлишди.

Тарғибот гуруҳи ва фестивал иштирокчиларини навбатдаги манзиллар кутмоқда.

Ақмал АЛИМАРДОНОВ,
ТАТУ талабаси



Wall E — Ўзимизнинг робот

Электромобил, қуёшдан қувват олувчи машина, роботлар... Буларни тажрибали муҳандислар эмас, балки талабалар ясаган дейишса, ишонасизми?! Тошкентда бўлиб ўтган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ана шундай кўпга ёш иқтидорларни кашф этиши билан ҳам эсда қолди.

Фахридин Абдуллаев, Шоҳрух Бегматов ва Бекзод Элибоевлар (суратда) Тошкент ахборот технологиялари университетининг турли босқичларида таҳсил олишади. Мақсадлар муштараклиги уларни дўстлаштирди, биргаликда робот ясади. Машҳур анимацион филмдан руҳланишгани кўриниб турибди, роботнинг шакл-шамойили ҳам ўхшаш, ҳатто номи ҳам — "Wall E".

Планшет орқали масофадан Wi-Fi тизими воситасида бошқарилувчи "Wall E" ҳозирча энгил жисмларни кўтариб, силжити олади. Аккумулятори бир қувват олишда бир ярим соат тинимсиз ишлашга етади. Ёш изланувчилар келгусида роботни янада такомиллаштириб, уни инсон саломатлиги учун зарарли фаолият турларида фойдаланишга тавсия этишмоқчи.



Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

АЛОҚАСИ ЛУҒАТИ



■ **Алгоритм** (en — algorithm) — масала(лар)ни чекланган қадамларда ечиш учун аниқ белгиланган қондаларнинг тартибланган чекли тўплами.

■ **Ал-Жамол алгоритми** (en — Ale Hamale algorithm) — ахборотни аутентификация қилиш (рақамли имзо) ҳамда шифрлаш учун фойдаланиладиган дискрет логарифмлаш масаласи асосидаги криптоалгоритм.

■ **Диффи-Хеллман алгоритми** (en — Diffie-Hellman algorithm) — қалитларни очик тақсимлаш, шунингдек, қалитларни экспоненциал тақсимлаш деб номланувчи бир томонлама кўрсаткичи функциядан фойдаланишга асосланган алгоритм.

■ **CMEA алгоритми** (en — Cellular Message Encryption Algorithm/CMEA) — рақамли сотали алоқа тармоқларида хабарларни шифрлаш алгоритми.

■ **Сторнетт-Хабер алгоритми** (en — Stornett Khaber algorithm) — ҳужжатларнинг вақт бўйича, уларни қалбақлаштириш имконияти бўлмайдиган тарзда, имзоланишини таъминловчи алгоритм.

Microsoft вакиллари Инҳа университетиди

Марказий ва Шарқий Европа бозорларида Microsoft корпорациясининг бош директори Пилар Торрес Тошкентдаги Инҳа университети ректори Шерзод Шерматов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистонда Microsoft бизнесини ривожлантириш бўйича менежер Равшан Каримов ҳам иштирок этди. Суҳбат чоғида Ш.Шерматов университет фаолияти ҳақида сўзлаб, таништирув экскурсиясини ўтказди.

Томонлар ҳамкорлик олиб бориш, жумладан, талабаларга Office 365 ва Azure дастурий маҳсулотларидан эркин фойдаланиш имкониятини тақдим этиш масалаларини муҳокама қилишди.



VR-Club очилади

Тошкентдаги Инҳа университети VR-Club – виртуал реаллик клубининг ташкил этилиши ҳақида эълон қилди.

VR-Club ўйинлар, анимация, фотосурат ва видеороликларни яратиш каби янги компьютер технологияларини илгари суришга қизиқувчи фақатгина шу университет талабалари учун очилади. Клуб Oculus Rift ва Google Cardboard платформаларидан фойдаланган ҳолда виртуал реаллик технологиялари, қўшимча реалликни ривожлантириш бўйича иловалар, маркетинг, 3D-моделлаштириш билан шуғулланади.

Клубнинг ҳар бир аъзоси лойиҳа устида ишлаши, ўз иловалари учун бозор тадқиқотларини ўтказиши, дизайн, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, чоп этиш ва маркетинг билан шуғулланиши керак. Шунингдек, ҳар ҳафтада клуб аъзоларининг лойиҳалари тақдимотлари ва турли мавзудаги семинарларини уюштириш режалаштирилган.



Турин навигаторлар ишлаб чиқармоқчи

Тошкентда бўлиб ўтган VIII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Турин политехника университети ўзининг йўлдошли навигация тизими билан иштирок этди.

Ушбу тизимни таълим муассасида бизнес инкубатор лойиҳаси доирасида такомиллаштириш режалаштирилмоқда. Яқин орада университет ҳудудида ташкил этилган ишлаб чиқариш фирмаси ушбу навигаторларни ўрнатилиш бошлайди, кейинчалик эса уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



ТДТУда мустаҳкам бириктирувчи детал ишлаб чиқилди

Абду Райҳон Беруний номдаги Тошкент Давлат техника университети мутахассислари томонидан қўчлангиш кабеллари учун бириктирувчи муфта ишлаб чиқилди.



Термокиришадиган материаллардан ишланган муфта юқори электр мустаҳкамлиги ва ишончилиги билан ажралиб туради. Муфта таркибига учларида ички томондан роликли пружиналар жойлашган термокиришадиган ташқи ҳимоя найчаси ва орасида ерга улаш сими ўрнатилган тўғри ва тескари ўрамли маҳкамловчи экранлар қиради. Тўғри ва тескари ўрамли экранлар остида кабелнинг металл қобиғи билан бириккан гофрланган металл қирғич жойлашган. Роликли пружина ва гофрланган металл қирғич орасидаги ҳаво бушлигига ток ўтказувчи композицион материал киритилган. Термокиришадиган ҳимоя найчаси билан кабелларнинг ташқи қоплови юзаси бириктириб келган ерда термокиришадиган найчалардан ясалган силфонлар ўрнатилган.

ҚОЗОҒИСТОН:

Skype орқали вазирлар билан мулоқот

Қозоғистоннинг Электрон ҳукумат портали www.egov.kz "Вазирнинг онлайн қабулига ёзилиш" хизматини ишга туширди.

Фойдаланувчи www.egov.kz рўйхатдан ўтганидан сўнг "Онлайн хизматга буюртма бериш" хизматини ва давлат ташкилотини танлайди. Бу ерда давлат ташкилотлари биринчи раҳбарларининг қабул рўйхатлари эълон қилинади. Шундан сўнг фойдаланувчи истаган кунни ҳамда видеоконференция ўтказилиши учун ўзига қўлай Аҳолига хизмат курсатиш маркази (АХМ)ни танлаб, боғланиш учун контактларини қолдиради ва қабулга ёзилади.

Талабнома қабул қилинган ёки рад этилганлиги тўғрисидаги хабар фойдаланувчи курсатган электрон манзилга келади. Қабулга ёзилган фуқаро белгиланган вақтда АХМга келиши шарт.



“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси 2014 йил давомида Ягона жамоа шартномаси мажбуриятларини ўз вақтида адо этишга муваффақ бўлди. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтира бориш борасидаги ишлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Эҳтиёж ва эътибор

Қувончли натижалар

Жамоа 2014 йил давомида вилоят иқтисодиёти ва аҳолисига жами 21 млрд. 42 млн. сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатди. Бу 2013 йилга нисбатан 1,34 бараварга кўп демакдир. 2015 йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткичлар 4 млрд. 956 млн. сўмликни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,11 баравар кўпроқ хизмат кўрсатишга эришилди. Турган гапки, бу натижалар ортида жамоанинг сидқидил меҳнатлари ётибди.

Айни кунларда жамоада 938 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг меҳнат шарт-шароитлари ва турмуш сифати йилма-йил фаровонлашиб бораётган. Филиалда ишчи-ҳодимларнинг ўз вазифасига ижобий муносабатни шакллантиришга эришиляпти. Бунда моддий ва маънавий манфаатдорлик доимий эътибордаги масала бўлиб келаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бунга мисол қилиб, ўтган йили бошлангич касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ишчи-ҳодимларни моддий рағбатлантириш тўғрисида низом тасдиқланганини келтириш мумкин. Мазкур низомга кўра, боғлама-лар бошлиқлари томонидан тақдим этилган бил-диргиларга асосан телефон аппаратлари сонини кўпайтириш, IPTV хизматларига мижозларни жалб этишга қўшган улуши учун ҳар ой якуни бўйича рағбатлантириш тўловлари тўлаш йўлга қўйилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, зарарли шароитларда ишловчилар, алоҳида тоифадаги ишчи-ҳодимларга ғамхўрлик ҳамиша эътиборда. Ўтган йили 22 нафар ходим санаторийларга йўлланмалар билан таъминланган бўлса, 2015 йилнинг май ойигача 15 нафар ходим сўхаттоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди. Яна 12 нафар ходимнинг ари-заси йил охиригача ижобий ҳал этилади.

Касаба уюшмалари масъуллари узларининг қанчалар фаол ва ташаббускор эканликларини 7 май — Алоқачилар касб байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрамларидаги чиройли амалларида намойиш эта олдилар. Зотан, олижаноблик хизматчиларининг ҳаёти шундай улуг кунлардаги машаққатли ва масъулиятли юмушлари билан ширин ва сермазундир. Иккинчи жаҳон уруши, меҳнат fronti иштирокчилари Содиқжон ота

“

IPTV хизматидаги ўлаш борасидаги ишлар жадал давом эттириляпти. Ўтган йили бу хизмат мижозлари сони 261 нафар бўлиб, улардан 65 млн. 315 минг сўм қўшимча даромад олинган бўлса, жорий йилнинг 1 май ҳолатига IPTVдан фойдаланётган мижозлар сани 1224 нафардан ошди ва ҳар ойда олинган даромад ўртача 35 млн. сўмдан кўпни ташкил этмоқда.

”

“

Нафақа ёшига етиши ва юбилейлари муносабати билан бугун 77 нафар ходим, биринчи чорада эса 22 нафар ходим моддий рағбатлантирилди. Навбатдаги меҳнат таътилига чиққан, нафақага чиқиб, меҳнат фаолиятини яқинлаган ходимларга моддий ёрдам пуллари тўланаётгани ҳам юксак олижаноблик нэмунасидир.

”

Мамаюсупов ҳамда Александра Решитиловалар ҳолидан хабар олиниб, пул мукофотлари ва совгалар топширилгани, узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун Бувайда ТБ муҳандиси Абдугаффор Абдусатторовга “Ўзбектелеком” АКнинг, тўрт нафар ишчи-ҳодимга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёриқлари топширилгани энг савоб ишлардан бўлди. Шу байрамлар тантанасида 250 нафар кишига дастурхон ёзилиб, юз нафарга яқин фахрийларга, юз нафардан кўп ишчи-ҳодимларга эсдалик совғалари тақдим этилган оилар хушнудлигини унутиб бўладими. Бу лаҳзалар қанчадан-қанча дилларда узоқ йиллар акс-садо бериб туриши аниқ. Бинобарин, инсон табиати шундай. Меҳнати қадр топган, исми-шарифи шарафланган дақиқаларни умрининг сўнги дақиқаларигача унутмайди. Дикқатингизга ҳавола этаётганимиз икки лаҳза ҳам ана шу унутилмас сониялар ҳикматида сўзлайди.

Бебаҳо совға

Автобус бу гал ўз бағрига 60-75 ёшлардаги улуг инсонларни олганди. Сўхбат қизгин. Саволлар, жавоблар... Ҳол-аҳвол, бола-чақа, неварра-чсвара, туй-маросимлар... Бўлмасамчи, турли туманлардан келган алоқачилар 20-30 йилда энди дийдорлашмоқда эдилар. Дийдор ширин, дийдор ганимат. Ҳаётдан ўтган ҳамкасблар бир-бир тилга олинди, ҳақларига дуолар қилинди. Ақълларни шошириб-тошириб қўяётган техника ва технологиялар, шиддатли ривожланиш самаралари, интернетнинг фойдаю зарари, дунёни дол қолдираётган зукко ёшларнинг интелектидан ҳайратланиб-ҳайратланиб сўзладилар. Доншманд кўнгилларда ҳаёт завқи-иштиёқи жўш урди. Автобус жойидан жилиб, саёҳат бошлангач эса сўхбат мавзуи Фарғона жамолига кўчди. Замонавий мейморчилик талаблари асосида қайтадан барпо бўлган шаҳар чиройи қалбларни ҳис-ҳаяжонга тўлдирди. Кўшлар Фарғона тароватидан илк марта баҳраманд бўлаётганди. — Шу кунларга етказганига шукр, — деди кимдир астагина. Бошқа бир отахон хитоб қилди: — Ўпирай, қаранглар, оппоқ мемага ўхшайди-я! Санъат саройи деганлари шу бўлса керак-а?

— Ҳа, — дейди бошқа отахон кулимсирабгина. — Лекин бу оппоқ бинони телевизорда кўрсатиш-

“

Интернет хизматида фойдаланувчи мижозлар сони 2014 йил 1 январь ҳолатига 12982 нафарни ташкил этиб, хизматлардан 2014 йил мобайнида 3 млрд. 727 млн. 264 минг сўмликдан ортиқроқ даромад олинди. Шу йилнинг 1 май ҳолатига эса интернет мижозлари сони 18594 нафарга етди. Ушбу хизматлардан ҳар ойда олинаётган даромад ўртача 350 млн. сўмга тўғри келмоқда.

”

ганда “Оққушга ўхшайди” дейишганди. Чиндан ҳам оёйишпагина ўрнашиб олган оққуш дейсиз, са-лобатини, маҳобатини кўринг!

— Манави кўчатларнинг адл бўй чўзиб турганини-чи! Қандай гаройиб! Отахонларнинг гурурли-сурурли хитобларини жимгина тинглаб бораётган филиал касабакўм раиси Ботиржон МАМА-ЖОНОВ ҳам уларнинг севинчларига шерик бўлди:

— Анави Фарғона — Қувасой йўли, анави бино эса Сув спорти саройи! Мана бу йўл эса Фарғона — Кува йўли. Биз кетаётган йўл кичик ҳалқа йўли. Катта ҳалқа йўли қуриляпти... — Шаҳарми-сан шаҳар бўлибдику Фарғонамиз, бунча мафтункор бўлмас! — Надежда хола Артюховская ҳам ўз ҳаяжонларини яширолмади. — Жаннат дейсиз-а, жаннат!

Шундай сайру саёҳатлар билан собиқ алоқачилар байрам тантанасига етиб келишди. Дастурхон кўрки ҳам, байрам шодибнаси ҳам зўр бўлди. Ҳамма-ҳаммаси хотираларга ўчмас муҳр бўлиб нақлланди. Ажойиб, қутилмаган ҳақлар тортиқ этилди, уларнинг энг бебаҳоси ДИЙДОРЛАШУВ номли совға бўлди...

Ёқимли туйғу

Содиқжон ота учун май ойининг еттинчи ва тўққизинчи кунлари қанчалар муҳим эканлигини таърифлашга ҳолат йўқ. Иккинчи жаҳон уруши заҳматларини чеккан, салкам қирқ йил алоқа соҳасида тер тўққан бу филоий инсон бу кунларни яхши кўради, интизор кутади. Бонси бу кунлар ёшлик ғайрат-шижоати қайнаган, интилиш, изланиш йилларидаги энг ёниқ йиллар, дақиқалар, онлар кино тасмасидаги бир-бир кўз ўнгидан ўтаверди, ўтаверди. Ахир бу мукаррам инсонлар ёшларни ал-қайдилару, асосан хотиралар билан яшайдилар. Уруш даҳшатларини ҳарчанд хаёлдан қувмасин, ёдга тушаверди, ёдга тушаверди. Уч бора жар-роҳликни кичирган юракка тасанно — “болаларим — жон рижталарим” дея ураверди, ураверди: “Фақат шодмон дамларни эсла, кўмса” деяётган-дек бўлаверди. 7 май айёми юрак қургур бошқача уради. Сабаби ҳар йилнинг шу кунда навқирон ҳамкасблари, шоғирдлари ташриф буюради.

— Дада, келиши!

Ёшлар, бир-бирдан уқтам, барваста йигитлар — Сухробжон, Ботиржон, Рафиқжон... азаматлар! Бор бўлишин! Кам бўлишмасин...

— Э, болажонларим, келинглар, келинглар! Қадамларингизга ҳасанот. Ўзим ҳозир келишди деб турувдим. Эзгу амалларингизнинг ажру савоби насиб этсин, — Содиқжон ота узундан-узоқ дуолар айлар экан, кўзларида ёш филтилади, кўллари титради. — Илоҳим, биз каби улуг ёшларга етиб юринглар, уруш азобларини биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар. Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизга кўз тегмасин...

Раҳбарлар элга оқил почтачи ва телекомчи алоқачиларни етказиб берган устоз Мамаюсуповлар ҳовлисидан чиқар эканлар, дилларида қандайдир енгиллик, шодлик, мамнуниятни ҳис этдилар. Бу энг олижаноб, энг ёқимли бурчни адо этганлик туйғуси эди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

E'TIROF

Шукроналик

Президентимизнинг Хотира майдонида билдирган фикрларини ойини жаҳон орқали тингладим. Айтилган гапларнинг мазмуни-моҳиятини уруш жафоларини ўз бошидан ўтказган одам идрок қилади. Қанча хорлик-зорликни гувоҳи бўлдик, қаҳатчилик, очарчилик, қимматчилик азобларини тортдик. Умримнинг ўша машаққатли оғир йилларини эсласам, ҳалиям этим жунжикиб кетади.

Ҳеч нарса тинчлик неъматига етмайди, ҳеч нарса тинчликнинг ўрнини боса олмайди. Тинчлик, осойишталик бўлса юрт обод бўлади. Фарзандларимиз бахтли ҳаёт кечиради.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида эндигина тўрт ёшда эдим. Ҳамма урушга кетиб, фақат кексалар, аёллар ва вояга етмаган болалар қолган эди ўшанда. Маргилон шаҳридаги атлас тўқичи артелида атлас тўқувчи бўлиб ишлаётган отам кўпчилиқ қатори урушга кетди. 1943 йили у Украина тупроғида ҳалок бўлгани тўғрисида қора хат келди...

Мамлакатимиз, халқимиз тинчлиги деб, шаҳар ва қишлоқларни фашизмдан озод этишда минглаб ўзбек йигитлари жон олиб, жон бердилар. Уруш ҳаммамизнинг юрагимизда битмас-туганмас жароҳат қолдирган. Эрта саҳарда туриб, кўшни маҳалламизда жойлашган нон дўконига бир яримта буханка нон олиш учун навбатда соатлаб турардик. Ўшанда 11 ёшда эдим. Ўша даврда яшаш қийин бўлган, халқимиз жуда оғир синовларни бошидан кечирган. Булар ёдимдан чиқмайди. Шукр, дориламон кунларни кўриш ҳам насиб этди. Биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор, эъзоз умримизга умр кўшмоқда. Фарзандларимиз, невараларимизнинг бахтиёрлигини кўриб, уларни дуо қилиб, тинч, аҳил яшашимиз. Илоҳим, юртимиз тинч ва обод бўлаверсин.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳикмат

*Қуръан омиз ва намли кўзга каноат
кел, ҳифзу кўзукда каноат келган кўзук-
лик ва денгиз подшоҳидир.*

Ришталар

*Ғоҳида кафтида кўрар дунёни,
Элга тарқатар нурни-зиёни,
Фақат фойда бўлар, йўқдир зиёни,
Ришталар боғлағай гулни гулларга.*

*Ғоҳи учоқдадир, ғоҳи — туюда,
Ғоҳи уловдадир, ғоҳи — пийёда,
Ҳали — текис йўлда, ҳали — қияда,
Ришталар боғлағай йўлни йўлларга.*

*Эзу хабарлардан қувнар қари-ёш,
Элар хушнуд бўлса, қувнар қуёш,*

*Элчиларга недир тўқсонун юз ёш,
Юзлашиб, беришин қўлни-қўлларга.*

*Дўстим, бўлаверсин яхши хабарлар,
Нур билан ёришин тоза саҳарлар,
Гуркираб яшнасин қишлоқ, шаҳарлар,
Ришталар боғлағай элни элларга.*

*Мирзом, алоқани узма ҳеч элдан,
Китобу дафтари кўймагин қўлдан,
Ҳаёт бу: ўтарсан ғоҳ гулшан, қўлдан,
Ришталар боғлағай дилни дилларга.*

Муҳаммад МИРЗО

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"AGES COMMUNICATIONS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2011 йил 27 майда берилган АА серияли 0003697 рақамли;

"ALOQAINVEST QURLISH" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;
- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2013 йил 17 майда берилган АА серияли 0004677 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2013 йил 17 майда берилган АА серияли 0004678 рақамли;

"COLOR IPTV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 4 октябрда берилган АА серияли 0004816 рақамли лицензияларнинг амал қилишини 2015 йил 22 майдан тугатиш;

"COLOR IPTV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига 2013 йил 4 октябрда берилган АА серияли 0004817 рақамли лицензиянинг амал қилишини 2015 йил 22 майдан тугатиш ва 2015 йил 22 майдан бошлаб то амал қилиши тугагунча бўлган муддатта теледастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолияти лицензия расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг 2015 йил 6 майдаги 32-11/397-сонли хатида келтирилган "INFINITY GAME" масъу-

лияти чекланган жамият (Тошкент ш.) ўз фаолиятида "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси 2 ва 5-хат бошқисини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 31-банди, 2004 йил 30 июл 1393-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомнинг 5 ва 17-бандлари, лицензия шартномасининг 4.1, 4.2, 4.12, 4.14-бандлари талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан "INFINITY GAME" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 9 апрелда берилган АА серияли 0004652 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2015 йил 23 майдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун:

"INTERKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 20 майда берилган АА серияли 0003689 рақамли;

"SOF ENERGIYA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2012 йил 18 июлда берилган АА серияли 0004158 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 23 майдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

Реклама

ALSKOM

сугурта компанияси

"ALSKOM"

сугурта компаниясининг тиббий сугуртаси ходимларингиз соғлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёрий тиббий сугурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Шифокорни уйга чақириш

Дори-дармон таъминоти

Стоматологик хизмат

Шошинч тиббий ёрдам

Вакцинация ва диспансеризация

Амбулатория-поликлиника ва стационар хизмат

Бизнинг сугурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

ALSKOM® сугурта компанияси АЖ
Тошкент ш. Амир Темур к. 103
E-mail: info@alskom.uz
Тел.: 147-11-90 (211, 212) Факс: 147-22-90

SEMINAR

Шахснинг ахборот маданияти

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўсиб келаятган ёш авлод ахборот маданиятини шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона маркази ташаббуси билан Яшнобод компютер технологиялари касб-хунар коллежида "Мутолаа маданияти ва маънавий камолот" деб номланган семинар машғулотлари ва адабий учрашув бўлиб ўтди.

— Биз ҳар бир коллеж ва умумтаълим мактаби ўқувчисига ахборот маданияти нима эканлигини ўргатиб, тушунча бериб боришимиз керак, — дейди "TURON" АКМ бош кутубхоначиси Азиза Каримбердиева. — Ёшлар миллий ғояларимизга мос адабиётларни танлашни ўзлари мустақил ўрганишса, ўтказаятган ҳар бир тадбир бесамар эмаслигини англаб етамиз. Шунинг учун улар интернет ахборотларидан ва нашрлардан фойдаланаётганларида ўзларининг мустақил фикрларига эга бўлишлари керак.

Тадбирда марказ тарихи ва ҳозирги кундаги замонавий қиёфаси ҳақидаги компютер слайдлари йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, кутубхонанинг услубий бўлим мудири Насиба Омонкелдиева "Таълим муассасаларида шахснинг ахборот маданияти" деб номланган чиқиши билан ўқувчи ва мураббийларни суҳбатга тортиб, саволларига жавоб берди.

Давронбек РАЖАБОВ

Севиб ўқийдиган газетани ўз вақтида олиб туришга не етсин!? Саҳифалар билан танишиб, мисоли дунё кезгандай бўлаемиз, таҳлилий ва яқши ёзилган ижод намунасидан қўнғил яйраб баҳра олаемиз. Акс ҳолда эса ҳубобимиз ошади, даврий нашрларни етказишга масъул ходимлар кизматидан ранжиймиз.

Шеробод йўл қурилиш ва таъмирлаш участкаси ишчи-хизматчилари ана шундай акс вазиятга тушиб қолишгач, вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонасининг туман бўлимини ишончли ҳамкор сифатида танлашди. Уларнинг бу борада адашмагани кўп ўтмай аён бўлди. Газета-журналлар таъминотида барқарорлик йўлга қўйилди, аъзолар танлаб ёзилган матбуот нашрларини ўз вақтида ва узлуксиз қўлга олишмоқда.

Дарҳақиқат, малакали мутахассис Худоёр Қиличев раҳбарлик қилаётган бўлимда барча ишлар кўнгилдагидай амалга ошириляпти. Хусусан, обуначилар ишончини қозонишга бирламчи вазифа қаторида қаралляпти. Шу боис улар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Жорий 2015 йилги газета ва журналларга 250 миллион сўмлик обуна қилинганлиги фикримизни тасдиқляйди.

— "Дамас" русумли машинамиз дсяриб ҳар кун ишматда, — дейди Худоёр ака фойдали жараёнга изоҳ бераркан. — Нафақат шаҳар

Орамизда шундай кишилар борки, улар ғанимат умрнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга, жумладан, беғубор ёшлик палласида ўқиб-ўрганиш ва илм эгаллашга интиласалар, ўз мазмунли ҳаётларининг кейинги босқичларида билим ва қўникмаларини эл-юрт бахт-саодати, фаровонлиги йўлида сарфляйдилар.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали лойиҳалаштириш хизмати бошлиғи Иброҳим Примов хусусида сўз борганда, беихтиёр шундай хаёлларга борасан, киши. Мана 32 йилдирки, у алоқа соҳасида изчил фаолият олиб борапти. Тошкент электротехника алоқа институтини 1983 йили электр алоқаси муҳандиси мутахассислиги бўйича битирган И.Примов дастлабки иш фаолиятини ўша йилнинг ўзидаёқ Бухоро вилояти техник алоқа ишлаб чиқариш корхонасида лаборатория муҳандиси сифатида бошлаганида узоқ йиллик иш тажрибасига эга соҳа ходимларидан кўп нарсани ўрганган, билим ва малакасини тинмай ошириб борган эди. Иброҳим ака алоқа соҳаси фидойиларидан бири Исрофил Чекидзени алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Бошқа бир қатор устозларидан ўрганганлари кейинги иш фаолиятида асқотганини таъкидлайди.

Турли йилларда Иброҳим Примов ушбу корхонада лаборатория катта муҳандиси, кейинчалик эса давлат инспекцияси электр алоқаси бошлиғи вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. У қаерда ва қайси вазифада ишлашидан қатъи назар ўзининг бутун куч, билим ва маҳоратини зиммасидаги топшириқлар ва устувор вазифаларни бекаму кўст

Умрнинг олтин лаҳзалари



Суратла: "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали лойиҳалаштириш хизмати бошлиғи Иброҳим ПРИМОВ (уртада) ёш муҳандислар Нодира ШОКИРОВА ҳамда Бехрўз ТОШЕВГА ўз тажрибаларини урғатмоқда.

тажришга йўналтирди. "Бухоро Телеком" филиалида турли вазифаларда алоҳида масъулият билан фаолият юритди.

Иброҳим ака умр йўлдоши, узоқ йиллар давомида Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасида самарали меҳнат қилган Райҳон Исломова билан бирга уч фарзандни тарбиялаб, воғта етказган. Фарзандларининг барчаси ўқимшли, бири-бирдан зукко ва доно. Улар тиббиёт, халқ таълими соҳалари, вилоят ички иш-

лар бошқармасида меҳнат қилиб келишмоқда.

Бу йил Иброҳим Примов сермазмун ҳаётининг қутлуғ 55-бахорини ёру дўстлари, фарзандлари ва наваралари даврасида шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Қутлуғ сана муносабати билан уни самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

ZIYO TARQATUVCHILAR

Таъкидлаш керакки, Худоёр Қиличев бошлиқ бўлим офиси замонавийлиги ва жаҳон андозаларига мослиги жиҳатидан вилоятда ягона бўлиб турибди. Қўш қаватли, мўжаз бинода бир неча турдаги хизмат йўлга қўйилган. Газета-журналларни саралаш, тақсимлаш қатори китоб савдоси, канцелярия, нуха кўчириш хизматлари бажарилляпти. Вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси баннерлар тайёрлаш цехининг Шеробод филиали очилгач, янги учта иш ўрни яратилди. Филиалнинг йиллик даромади 150200 минг сўмдан кам бўлмаляпти. Бу хизматдан Бойсун, Қизирик, Музработ туманлари ҳам фойдаланмоқда.

Амалдаги ислохотлар даври ҳар бир жамоадан изланувчанлик ва фидойиликни талаб этмоқда. Назаримизда "Матбуот тарқатувчи" АК Сурхондарё вилоят шўба корхонасининг Шеробод туман бўлими ўз оидин йўлини топиб олган. Демак, жамоа тараққиёт сари яна олга одимлайверади.

Портожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Ойдин йўлда

худуди, балки тоғолди қишлоқларида ҳам обуначиларимиз бор. Улар Шодмон Раҳматов, Зарофат Қиличева каби хабарчиларимиз жонкуярлиги ҳамда фидойилигидан бағоят мамнун.

— Тумандаги "Матбуот" дўконларида кўп йиллик тажрибага эга ходимлар хизмат кўрсатишмоқда. Маҳкума опа Жўраева улардан бири. Қарийб чорак асрдан буён элга манзур хизмат қилиб келмоқда. Яқин вақт ичида туман тиббиёт марказининг янги биноси ҳамда деҳқон бозори ёнида замонавий алкофон усулида қурилган "Матбуот" дўконлари иш бошляйди. Бу шохобчалар ҳам Маҳкума опадек ширинсухан ва меҳнатсевар кишиларга катта ишонч билан топширилади.

Хурматли муштарийлар!
"Xabar"га обуна давом этмоқда!



Газетага "Ўзбекистон почтаси" АЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин!



Эҳтиром оғушида

Суратла: "Матбуот тарқатувчи" АК меҳнат фахрийлари

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, аynи пайтда кексалик гаштини суратган устоз алоқачилар кўпчилигини ташкил этади. Компания раҳбарияти уларнинг кексалик даври ҳам ҳушда ўтишини таъминлашга ҳисса қўйишни мақсад қилиб олган.

Шунинг учун ҳам ҳар йили байрамлар арафасида корхона фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни байрам дастурхонига таклиф қилиб, кўнгилларини шод этиш, тadbирга кела олмайдиган фахрийларнинг уйларига бориб совға-саломлар топириш корхонада анъанага айланган. 2015 йил-

нинг кексаларга бағишланиши ҳамда "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янада кучайишига сабаб бўлди.

— Ходимларимизнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди компания бош директори Сувон Наҳбид-

динов. — Шунингдек, компания ривожига муносиб ҳисса қўшиб, аynи пайтда пенсияда бўлган фахрийларни ҳамisha эҳтиром оғушида сақлашга, тантанали кунларда хизматларини қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қилишимиз. Негаки, улар соҳамиз ривожига тамал тошини қўйган, умрини матбуот тарқатишдек муҳим ишга бағишлаган, ҳаёти, тажрибаси барчамиз учун ибрат инсонлардир.

Дарҳақиқат, корхонада нафақат ишловчи ходимлар, балки фахрийлар ижтимоий муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Ёши

улуғ ходимлардан 14 нафар киши саломатлигининг компания томонидан сугурталаниши, раҳбариятга ариза билан мурожаат қилган фахрийларга дори-дармон ва бошқа эҳтижлари учун ёрдам берилиши, фахрийларнинг умумхалқ байрамлари олдидан моддий рағбатлантирилиши, кўчага чиқа олмайдиган отахон ва онахонларнинг уйларига бориб, совға-саломлар топирилиши фикримизнинг далилидир. Бу ҳақда биз билан суҳбатда собиқ матбуот тарқатувчиларнинг ўзлари тўлқинланиб гапириб беришди.

Полина ЛАРИНА:

— Мен учун Ўзбекистондай жаннатмонанд юрт фуқароси эканлигим, матбуот тарқатиш соҳасида, кексаларга ҳурматни юқори поғонага қўювчи одамлар орасида ишлаганлигим энг катта бахт.

Иккинчи жаҳон урушининг сурони йилларидаги жангу жадалларда иштирок этар эканман, шундай фазовон, бахтли кунларга етишни орзу қилардим, холос. Урушдан сўнг Ўзбекистонга келиб, бу ердаги одамларнинг қалбидарёлиги, инсонпарварлиги мени ўзига мафтун этади. Айниқса, ҳамкасбларим — матбуот тарқатиш тизими ходимлари ҳамма вақт мени қўллаб-қувватлашди, қалб яраларимга малҳам бўлишди. Пенсияга чиққанimgа анча йиллар бўлишига қарамай, ҳамон улар билан биргаман. Байрамлар олдидан компания ходимларининг ўйимга кириб келишлари мени ҳар гал беҳад хурсанд қилиб юборади. Албатта, гап совғада эмас, балки эътиборда. Мен компаниямиз раҳбарларидан умрим борича миннатдорман.

Раъшан ИСРОИЛОВ:

— Матбуот тарқатиш соҳасида 20 йилдан кўпроқ вақт меҳнат қилдим. Вақтли нашрлар чакана савдоси ва обуна уюштириш билан шугулладим. Аҳoliга зиё тарқатишдек эзгу ишга ҳиссам қўшилаётгани менга ҳамма вақт куч-қувват бағишларди. Лекин ҳаёт бир текис давом этмас экан. 2008 йили ногиронлик туфайли нафақага чиқдим.

Компаниядагилар мени ёлғизлатиб қўйишмади, аҳволимдан доний равишда хабардор бўлиб, керак пайтда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришди. Айниқса, байрамлар олдидан ўтказиладиган тadbирларга ўзгача ҳаяжон билан кириб бораман. Ахир узоқ йиллар бирга ишлаган собиқ ҳамкасблар билан дийдорлашишдан ҳам ортиқ қувонч борми оламда?! Биз фахрийларга ана шундай шаронти яратиб бераётган компаниямиз мутасаддиларига минг раҳмат. Уларга ишларида ривож, ўзларига саломатлик тилайман.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хурийд МИРЗОҲИДОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖўРАЕВ,
Абдурашид АБДУМУМИНОВ, Ҳаким МУҲИТДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАҲБИДДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир
уринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-565 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 4 босма табоқ,
Адади: 12443 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асляддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ

ISSN 2010-6424

Босишга топирилди — 20.00.
Босишга топирилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навойда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99